

Жангчи адиблардан бири Назармат (Назармат Эгамназаров) 1917 йилнинг 7 ноябрида Тожикистон Республикаси, Хўжанд вилояти, Нов кишлогида дунёга келган. У шоир Аширмат Назаров (Егамназаров, 1913 й.)нинг укасидир.

Ўрта мактабни 1935 йилда тугатиб, 1936 йилда Самарканд Давлат дорилфунунига ўкишга киради. 1941 йилда дорилфунунни битирибок урушга кетади. У ерда взвод командири, гвардия лейтенанти даражасида хизмат килади. Сўнгра 1947 йилгача «Фронт хакикати» рўзномасига бошчилик килади. Армиядан кайтгач, 1947—1954 йилларда «Кизил Ўзбекистон» (хозирги «Ўзбекистон овози»), 1955-1985 йилларда эса «Тошкент хакикати» рўзномаларида адабиёт ва санъат бўлимини бошкаради. Хозирги кунда Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси кошидаги жангчи фахрийлар кўмитаси раисидир.

Назармат ижоди 30-йиллардан бошланган бўлиб, унинг биринчи шеъри «Кўзичок» 1934 йилда «Ленин учкуни» рўзномасида босилиб чикади. Биринчи тўплами эса 1941 йилда «Ёшлик завки» номи билан нашр этилади. Уруш туфайли иккинчи тўплам анча кеч — 1949 йилда «Ватан ишки» номи билан чоп этилади. Бу тўплам Шароф Рашидов тавсияси билан босилади. Хозирги кунда унинг йигирмадан ортиқ шеърий, насрой асарлари, кўшиклар тўпламлари чоп этилган. Хусусан, «Яшил далалар» (1955), «Сир бўйи, нур бўйи» (1959), «Тогдаги гулханлар» (1962), «Най садоси» (1965), «Бахор кўшиги» (1968), «Шахримиз болалари» (1970), «Мангу олов» (1972), «Достонлар» (1975), «Йўллар ва гуллар» (1977), «Мехрим-мухаббатим» (1983), «Танланган асарлар» (1987), «Гунчалар» (1987), «Мухаббат тароналари» (1992) кенг китобхонлар оммасига яхши танишдир.

Назармат носир сифатида хам анча баракали ижод килиб келмоқда. Унинг очерк ва хикоялардан ташкил топган «Киргокдаги жанг» (1965), «Бурч йўли» (1966) «Сайёд жасорати» (кисса, 1972), «Жанггоҳдан катралар» (1974), «Турналар йўли» (1977) каби харбий турку! ги асарлари хам китобхон ва адабий жамоатчилик эътиборига кирган. Унинг болалар учун ёзган «Шахримиз болалари», «Гунчалар» каби шеърий тўплами хам эътиборга лойикдир. Назармат шоир, публисист, очеркнавис, хикоянавис ва киссанавис бўлиши билан бирга таржимон хамдир. Унинг Бедил, А. Жомий, Н. Хисрав, Фирдавсий, М. Миршакар, М. Турсунзода, Ж. Мулдагалиев ижодидан килган таржималари алохида кимматлидир.

Назармат 1992 йили 75 ёшга тўлди, аммо ўз ижоди режаларини хормай-толмай хайрат билан амалга ошириб келмоқда.

Назармат Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходимидир.